

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

5310100 – "иссиқлик энергетикаси"

бакалавр таълим йўналиши

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Талимаржон И.Э.С. даги П.П.-2650-25-545/542 Г
маркали ТГП-805 с/з буғ қозони ўтхонаси ва ёндиргичларини
ёқишга тайёрлаш.**

Раҳбар: _____ **Файзуллаев И.М.**
(ИМЗО)

Ишни бажарувчи: _____ **Абдурахмонов Ж.А.**
(ИМЗО)

"Ҳимояга рухсат этилди"

Кафедра мудири:

_____ **А.Ғ.Комилов**
(ИМЗО)

"Ҳимоя учун ДАКга юборилди"

Факультет декани:

_____ **доц. А.И. Юсупов**
(ИМЗО)

" _____ " _____ 2016 йил

" _____ " _____ 2016 йил

ҚАРШИ – 2016 йил

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Энергетика факультети

5310100 – "Иссиқлик энергетикаси" таълим йўналиши

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Кафедра мудири

_____ А. Ғ. Комилов

" _____ " _____ 2016 йил

Битирув малакавий иши бўйича

ТОПШИРИҚ

Талаба _____ га

1. Малакавий иш мавзуси _____

институт ректорининг № _____ буйруғи билан _____ да тасдиқланган

2. Малакавий ишни топшириш муддати _____

3. Малакавий иш учун маълумотлар _____

4. Ҳисобий изоҳ қисмининг мазмуни (ишлаб чиқилиш лозим бўлган саволлар рўйхати) _____

5. Чизмалар рўйхати (бажарилиши шарт бўлган чизма ва графиклар) _____

МУНДАРИЖА.

КИРИШ.....	5
I. АСОСИЙ ҚИСМ.	
1 – боб. Буғ генератор қурилмалари ҳақида умумий маълумотлар.....	5
1.1. Ўзбекистон энергетикасининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари.....	8
1.2. Буғ генераторларининг умумий таснифи ва технологик чизмалари ...	13
2 – боб. Талимаржон ИЭСда ўрнатилган ТГП – 805 с/з буғ қозони	
ўтхонасини ва ёндиргичларини ёқишга тайёрлаш ва мослаш.....	25
2.1.Таллимаржон ИЭСси энергетик қурилмалари характеристикалари....	25
2.2. Таллимаржон ИЭС буғ генераторининг газ ҳаво трактини тавсифи ва ҳисоби.....	32
II. АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ.....	53
III. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИК.....	57
IV. ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ.....	62
ХУЛОСА.....	70
Фойдаланилган адабиётлар.....	72

КИРИШ.

Президентимиз И.А.Каримовнинг бевосита раҳбарликлари ва ташаббускорликлари асосида мамлакатимизнинг иқтисодий тармоқларини ривожлантириш ва жамият тараққиёти даражаси мамлакатнинг ёқилғи энергетика захираларидан унумли тежаб, самарали фойдаланишга боғлиқ эканлиги кўп мартаба таъкидланган эди.[1]

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлилигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, жаҳон бозорида рақобатбардошлилигини таъминлайдиган замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш эвазига энергия тежамкорлигини таъминлаш асосий ва долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Электр станциялари иш режимларини тўғри ташкил этилиши ва электр энергияси ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадиган барча ускуна ва қурилмалар замонавий фан – техника ютуқлари асосида модернизациялаш, янгилаш ва автоматлаштириш ҳамда технологик жараёнларни оптималлаш натижасида талаб этилган меъёр асосида иш шароитларининг яратилиши ва станция қурилмаларини юқори самарадорликда ишлашини таъминлаш билан бир қаторда электр энергиясининг сифат даражаси кўтарилиб, уни ишлаб чиқаришдаги харажатларининг кескин камайиб боришига эришилади.

Мавзунинг долзарблиги. Бугун Тошкент, Навоий ва Таллимаржондаги иссиқлик электр станцияларида мавжуд бўлган, тежамкорлиги паст газ қурилмалари ўрнига замонавий буг – газ қурилмаларини барпо этиш лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда. Натижада ИЭСларда сарфланадиган ёқилғи миқдори ва муҳитга чиқариладиган захарли газлар миқдори камайишина эришилади.

Таллимаржон ИЭСнинг буғ генераторини ишга туширишда ўтхонасини ва ёндиргичларини ёқишга тайёрлаш ва газ сарфини камайтириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг асосий мақсади.

Буғ генераторида табиий газни классик усулда ёқилганда чиқиб кетаётган газдаги (тутун) NO_x концентрациясини, режим карта тузилишини, ТДМ (тортиш пуфлаш механизми) электр двигател электр энергия сарфини, иссиқлик йўқотилишини буғ генератори брутто Ф.И.К ва буғ генераторининг газ чиқиш йўлида ортиқча ҳаво коэффицентини оптимал миқдорини аниқлаш.

Вазифалари:

- битирув малакавий ишида Таллимаржон иссиқлик электр станциясида ТГП - 805с/з буғ генераторида табиий газни ёнишини технологик жараёнларини оптималлаш мақсадида ёқилғи ёниш жараёнида поғонали усул ўрнига классик (поғонасиз) усулга ўтказилгандаги буғ генераторини газ ҳаво трактини ҳисоблаб чиқиш;

- битирув малакавий ишида Таллимаржон иссиқлик электр станциясида ТГП – 805 с/з буғ генераторида табиий газни ёнишини технологик жараёнларини оптималлаш мақсадида, ҳозирги кунда жорий қилинган ёқилғини анаънавий усулда ёқишни синашдан ўтказиш;

- буғ генераторининг газ ҳаво трактини ҳисоблаб чиқиш ва буғ генераторини режим картасини ишлаб чиқиб, унинг самарадорлигини аниқлаш.

- Таллимаржон ИЭС нинг ТГП – 805 с/з буғ генераторининг ёқилғи ёниш жараёнини классик (поғонасиз) усулга ўтказилгандаги унинг техник – иқтисодий кўрсаткичлари аниқлаш;

Битирув малакавий иш мавзуси объекти. Таллимаржон ИЭС

Битирувнинг малакавий ишининг амалий аҳамияти. Мустақил Ўзбекистоннинг энергетикасида салмоғли ҳисса қўшиб келаётган, Ўрта Осиёда ягона бўлган энг замонавий технологик қурилмалар билан

жихозланган, йирик энергетик салохиятга эга Таллимаржон иссиқлик электр станциясининг ТГП – 805 с/з буғ генераторининг ёқилғи ёниш жараёнини поғонали усулдан классик (поғонасиз) усулга ўзгартириш, иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб қуйидаги афзалликларга олиб келади:

- қисман қисқа аланга билан ёниш ва кам ортиқча ҳаво билан ёқилғини ёқишни таъминланади;
- буғ генератор Ф.И.К оширади;
- азот оксиди ҳосил бўлишини камайтиради, шу билан бирга атроф муҳитга зарарини камайтиради;

1–БОБ. БУҒ ГЕНЕРАТОР ҚУРИЛМАЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР.

1.1. Ўзбекистон энергетикасининг ҳозирги ҳолати ва истикболлари.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган “2011–2015йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорида яқин йилларда мамлакатимиз саноат комплексини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари белгилаб берилган. Мазкур ҳужжатда саноат соҳалари, жумладан, энергетика тармоғида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, унга сўнгги илм–фан ютуқлари ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш кўзда тутилган [2].

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора – тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012 – 2016 – йилларда ҳисоб – китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация

қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда [1].

Жорий 2012 – йилда иқтисодиётимизни диверсификация қилишни давом эттиришда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, Таллимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ – газ қурилмаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида янги энергоблок қуриш, автомобиль шиналари ва транспортёр тасмаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тўқимачилик корхоналари қувватларини янада кенгайтириш ва бутун технологик жараёни такомиллаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон энергетика тизимининг ўрнатилган қувватлари таркибидаги иссиқлик электр станцияларининг салмоғи 87% ни ташкил қилади. 330 Мвтли Сирдарё ИЭСи, 2100 Мвтли Янги – Ангрен ИЭСи, 1920 Мвтли Тошкент ИЭСи, 1250 Мвтли Навоий ИЭСи, 730 Мвтли Тахиятош ИЭСи энг йирик ИЭСлари ҳисобланади. Уларда ҳар бирининг қуввати 150 минг Мвтдан 300 Мвтгача бўлган 30 дан ортиқ замонавий энергетик блоклар ўрнатилган.[1,2,3]

Мамлакатимизда яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш/

борасида ҳам ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд. Биз ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш учун катта маблағ сарфлаймиз, кўп миқдордаги хорижий инвестицияларни жалб этамиз [1].

“Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси мутахассислари халқаро ташкилотлар кўмагида муҳим энергетика лойиҳаси, яъни Таллимаржон ИЭСида янги кичик станцияни ва “Сўғдиёна” кичик станцияси томон Қашқадарё ҳамда Самарқанд вилоятлари ҳудудидан ўтадиган, узунлиги 218 километр бўлган юқори вольтли линияни қуришни режалаштирмоқда. Мазкур лойиҳа энергия тизими барқарорлигини ошириш, электр энергиясини республика марказидан Самарқанд – Бухоро

энергия узелига транспортировка қилишда йўқотишларни камайтириш ва ушбу ҳудудни электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари аҳолиси ҳамда бу ердаги объектларни электр энергияси билан ишончли таъминлаш ва ундан тежаб фойдаланиш имконини беради.

Ушбу кенг кўламли лойиҳанинг қиймати 150 миллион АҚШ долларида ошади ва унинг 110 миллионини Жаҳон банки кўмагида ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Мазкур банкнинг бундай дастурларни амалга ошириш борасидаги сиёсати атроф – муҳит муҳофазасига доир юқори талабларга риоя қилишни талаб этади. Шу муносабат билан “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси мутахассислари лойиҳанинг техник – иқтисодий асосини тайёрлашда экология масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, лойиҳалаш ташкилотлари иштирокида “Атроф – муҳитга таъсир этиш даражаси” ишлаб чиқилиб, у давлат табиатини муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан мақулланди.

“Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, қабул қилинган мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган, компаниянинг ўтган йилги ишлари якунлари сарҳисоб қилиниб, жорий 2011 йилда тармоқни барқарор ривожлантириш чоралари белгиланган.

Ҳозирги вақтда электр энергиясининг асосий қисми тошкўмир, суюқ ва газсимон ёқилғини ёқиш орқали иссиқлик электр станцияларида ишлаб чиқарилади. Иссиқлик электр станцияларида қуввати 300, 500, 800 Мвт бўлган энергетик блоklar ишлатилмоқда. Энергетика республикаимиз халқ хўжалигининг ҳам этакчи бўғинларидан бири ҳисобланади. Чунки халқ хўжалигининг бошқа соҳалари ривожланиши ва жамият тараққиёти даражаси энергетикага, айниқса иссиқлик энергетикаси даражасига боғлиқдир.

Маълумки мустақиллик йилларида республикаимизда нефть, табиий газни қазиб олиш ва қайта ишлаш, мазут ишлаб чиқариш анча ортди.

Ўзбекистон ёқилғи – энергетика комплексига асосланган йирик иссиқлик электр станциялари ишлаб турибди. Масалан, Сирдарё ИЭС, янги Ангрен, Сирдарё ИЭС, Навоий ИЭСи, Таллимаржон ИЭС шулар жумласидандир.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилишга йўналтириладиган инвестициялар ҳажми анча ошди, қиймати 123,9 миллион долларлик хорижий кредитлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 218,2 миллион долларлик кредит ресурслари жалб қилинди.

Узунлиги 300 километрдан зиёд электр узатиш линиялари ва 170 минг кВ кучланишга эга трансформатор қувватлари фойдаланишга топширилди. Муҳим инвестиция лойиҳалари дастурини амалга ошириш доирасида узунлиги 218 километрлик юқори кучланишли 500 кВ Сирдарё иссиқлик электр станцияси (ИЭС) – “Сўғдиёна” кичик станцияси барпо этилди ва юқори вольтли 500 кВ Сирдарё ИЭС – Тошкент кичик станциясининг 69,4 километри реконструкция қилинди, пойтахтимизнинг марказий қисмида ҳар бири 63 МВт қувватга эга иккита трансформаторли ва 110 кВ кучланишга эга 6,3 километрлик кабел линияли ёпиқ турдаги ўзига хос “Сайилгоҳ” кичик станцияси қурилиши ниҳоясига етказилди.

Навоий ва Таллимаржон ИЭСда буғ – газ қурилмасини қуриш, Янги Ангрен ИЭСнинг 1 – 5 энергия блокларини йил давомида кўмир ёқишга ўтказиш, Сирдарё ва Таллимаржон ИЭСда детандер – генератор агрегатларини ўрнатиш, “Камолот” гидроэлектр станциясини барпо этиш, Чорвоқ ГЭСдаги гидрогенераторларни модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом этмоқда ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ёқилғидан фойдаланмасдан кўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш имконини берадиган яна бир инвестиция лойиҳаси ҳам эътиборга лойиқдир. Бу ўринда Таллимаржон ва Сирдарё ИЭСда сиқилган табиий газ кенгайишидан ҳосил бўладиган энергия асосида ишлайдиган, умумий

куvvати 20 МВт бўлган детандер – генератор агрегатларини қуриш кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида 16 миллион куб метр табиий газ тежаб қолинади. Мазкур лойиҳанинг қиймати 14,9 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Мамлакатимиз буйича инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарийиб 250 миллиард сумлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та объект жумладан озиқ – овқат саноатида 145 та, қурилиш материаллари саноатда 118 та, енгил ва тўқимачилик саноатида 65 та, кишлоқ ва ўрмон хужалиги соҳасида 58 та, кимё ва нефт саноатида 18 та, фармацевтика тармоғида 8 та объект ишга туширилади.

Бошқа инвестиция лойиҳалари замонавий илмий – техник ишланмаларни жорий этиш билан боғлиқ. Масалан, Тошкент, Навоий, Таллимаржон иссиқлик электр станцияларини модернизация қилишда фойдаланиладиган буғ – газ қурилмаси шундай ишланмалар сирасига киради. Тошкент ИЭСда ана шундай буғ – газқурилмасининг қуввати 370 мегаваттни ташкил этади. 2,8 миллиард киловатт–соат электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарадиган бундай қурилма 175 миллион куб метр табиий газни тежаш имконини беради. Бошқа электр станцияларда ҳам энергия самарадорлиги ошиши ва катта ҳажмда табиий газ тежалиши кутилмоқда.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорини тармоқда бажариш бўйича комплекс ишлар меҳнат унумдорлигини ошириш, сарф – харажатларва маҳсулот таннархини изчил камайтириш, замонавий энергия ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда турли йўқотишларни бартараф этиш ҳисобидан амалга оширилмоқда.

1.2. Буғ генераторларининг умумий таснифи ва технологик чизмалари.

Буғ генератори – ёқилғини ёққанда ўчоқда ажраладиган иссиқлик ҳисобига, атмосфера босимидан юқори босимли буғ олинадиган қурилмадир. Буғ генератор қурилмасининг асосий ташкил этувчи ускуналариға ўчоқ, қиздириш ва буғлантириш юзалари, буғ ўта қиздиргичлар, сув экономайзери ва ҳаво иситгич киради. Буғ генератор агрегатига эса каркас, ўтга чидамли қоплама, қувурлар, арматуралар, назорат ва автоматика асбоблари киради.

Буғ турбинали қурилмаларда ишчи жисм сифатида сув ишлатилади. Буғ генератори ўчоғида ҳосил бўлган иссиқлик сувга асосан, нурланиш (ўчоқни ичида) ва конвектив (шахтани ичида) усуллар орқали етказилади. Конвектив усулда иссиқлик ташувчи оқим сифатида ёниш маҳсулотлари, яъни, тутун ишлатилади.

Ўчоқда юқори даражада қизиган тутун газларини олиш учун органик ёқилғи ёқилади. Қаттиқ ёқилғи ёқиладиган ўчоқ–қатламли ва камерали (циклонли ва уюрмали) бўлади. Суюқ (мазут) ва газсимон ёқилғи фақат камерали ўчоқда ёқилади.

Буғ генераторининг қизиш ва буғлантириш юзаси - буғ генераторининг иссиқлик қабул қилувчи юзасидир.


Буғ ўта қиздиргич – буғни ўта қизиган ҳолатга етказиб берадиган махсус юзадир.

Сув экономайзери – таъминот сувини ёниш маҳсулотлари орқали қайнаш ҳолатига келтирувчи махсус иссиқлик алмашгич юзадир.

Ҳаво иситгич – ўзидан ўтаётган ҳавони қиздирадиган алмашинув қурилмаси. Ҳаво иситгичдан чиққан иссиқ ҳаво ўтхонага юборилади.

Буғ генератори юзаларида сув ва буғ ҳаракати асосан уч хил усулда ташкил қилинган. Табиий, мажбурий ва тўғри оқимли. Шуларга асосланиб

буғ генераторлари табиий, кўп каррали мажбурий ва тўғри оқимли бўлиши мумкин (1.1 – расм).



1.1 –расм. Асосий буғлантириш.

а, б - табиий циркуляцияли; в - мажбурий циркуляцияли; г - тўғри оқимли;
 1 - таъминот насоси; 2 - экономайзер; 3 - барабан–сепаратор; 4 - туширувчи қувурлар; 5 - пастки коллектор; 6 - буғлатиш сиртлар; 7 - буғ ўта қиздиргич; 8 - циркуляция насоси.

Иситилмайдиган қувурлар 4 барабанли босимда зичлиги ρ' бўлган сув билан тўлдирилган. Экрэн қувурларида эса зичлиги ρ буғ – сув аралашмаси ҳосил бўлади. Натижада қувурлар контурида $H(\rho' - \rho)g$ босим фарқи пайдо бўлади. Шу босим табиий циркуляция босими деб аталади.

$$S = H(\rho' - \rho)g \quad (1.1)$$

бунда, S - циркуляция босими, Па; H - контур баландлиги, м; $\rho' - \rho$ –сув ва буғ – сув аралашмасининг зичлиги, кг/м^3 ; g – эркин тушиш тезланиши, м/с^2 .

Циркуляциядаги сув ва ҳосил бўлган буғ миқдорлари нисбати циркуляция карралиги деб аталади.

$$K = \frac{G_o}{D} \quad (1.2)$$

бунда, G_o - циркуляция ҳаракатида бўлган сув сарфи, кг/с; D - ҳосил бўлган буғ сарфи кг/с бирликда ўлчанади.

Табиий циркуляцияли буғ генераторларда $K=4\div 30$, мажбурий циркуляцияли буғ генераторларда $K = 4\div 10$ ва тўғри оқимли буғ генераторларда эса $K = 1$ бўлади.

Буғ генераторидан чиқиб кетган тутун билан йўқотилган иссиқлик қуйидаги формуладан аниқланади:

$$Q_2 = H_T^o + (\alpha_{\text{ч}} - 1) \cdot H_x \quad (1.3)$$

бу формулада $H_T^o = v_T^o \cdot C_T \cdot Q_{\text{ч}}$ - чиқиб кетган тутуннинг энтальпияси (ортиқча ҳаво коэффиценти $\alpha=1$ бўлганда); $(\alpha_{\text{ч}} - 1)H_T^o$ - $\theta_{\text{ч}}$ ҳароратдаги ортирма ҳавонинг энтальпияси; H_x - атмосфера ҳавосининг энтальпияси;

Кимёвий тўла ёнмаслиги натижасида йўқотилган иссиқлик миқдори қуйидаги формуладан аниқланади:

$$Q_3 = Q_{\text{CO}} \cdot V_{\text{CO}} + V_{\text{H}_2} \cdot Q_{\text{H}_2} + V_{\text{CH}_4} \cdot Q_{\text{CH}_4} \quad (1.4)$$

бунда $V_{\text{CO}}, V_{\text{H}_2}, V_{\text{CH}_4}$ - ёниш маҳсулотларидаги ёнувчан газлар ҳажми, м³/кг ёқилғида, $Q_{\text{CO}}, Q_{\text{H}_2}, Q_{\text{CH}_4}$ - ёнувчан газларнинг ҳажмий ёниш иссиқлиги, МЖ/м³.

Юқорида келтирилган формулани ҳисобга олганда йўқотилган иссиқликнинг солиштирма қиймати ($Q_T^{\text{н}}$ дан фоизда) қуйидаги формуладан аниқлаш мумкин:

$$q_3 = 126,4 V_{\text{CO}} + 108 V_{\text{H}_2} + 358,2 V_{\text{CH}_4} \quad (1.5)$$

Газ ҳажмлари $V_{\text{CO}}, V_{\text{H}_2}, V_{\text{CH}_4}$ олдида кўрсатилган сонлар - 1 м³ га тўғри келадиган газларнинг 100 марта камайтирилган ёниш иссиқликлари.

Механик чала ёниш натижасида йўқотилган иссиқлик, буғ генераторининг ўчоқ турига ва ишлатиладиган ёқилғининг хилига боғлиқ. Бу кўрсаткич “Буғ генераторларининг иссиқлик ҳисоби (норматив усул)” ёрдами билан аниқланади.

Буғ генератори сиртидан атрофдаги муҳитга йўқотилган иссиқлик миқдори қуйидаги формула билан аниқланади.

$$Q_5 = q_{т.с} \frac{F_c}{B} \quad (1.6)$$

бунда B –буғ генератори ёқилғи сарфи, кг/с; F_c – буғ генератор деворларининг ташқи сирти, м²; $q_{т.с} = 0,2 - 0,3$ кВт/м² – ташқи сиртларидан чиққан иссиқлик оқими.

Чиқариб ташланган ташландиқ (шлак) билан йўқотилган иссиқлик қуйидаги формула ёрдамида аниқланиши мумкин.

$$q = \frac{\alpha_{шл}(ct)_{шл} \cdot A^и}{Q_T^и} \quad (1.7)$$

бунда $\alpha_{шл}=1-\alpha_y$ – ўчоқ камерасидан шлакнинг чиқарилган қисми; $c_{шл} t_{шл}$ – чиқарилган шлакнинг иссиқлик сиғими ва ҳарорати.

Фойдали иш коэффиценти (Ф.И.К) буғ генераторда умумий иссиқлик энергияси $Q_T^и$ нинг қанча қисми самарали фойдаланганлигини (Q_1) кўрсатади.

$$\eta_K = \frac{Q_1}{Q_T^и} 100 \quad (1.8)$$

Бу Ф.И.К ни аниқлаш усули – тўғри баланс усули деб аталади.

Буғ буғ генераторининг йўқотилган иссиқликлари йиғиндисини билган ҳолда, тескари баланс усули орқали брутто Ф.И.К аниқланади.

$$\eta_K = 100 - (q_2 + q_3 + q_4 + q_5 + q_6) \quad (1.9)$$

Буғ генераторининг Ф.И.К ини аниқлаб, самарали фойдаланган иссиқликни қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин.

$$Q_1 = Q_T^и \cdot \eta_K \quad (1.10)$$

Натижада буғ генераторда ишлатилган ёқилғи сарфини қуйидаги формуладан аниқлаш мумкин, кг/с бирликда аниқлади.

$$B = \frac{D_c(h_{k,6} - h_{m,c}) + D_{и}(h_{и}'' - h_{и}') + D_x(h_k - h_{m,c})}{Q_T^{и} \cdot \eta_k} \quad (1.11)$$

Брутто Ф.И.К буғ генераторининг ишлаш самарадорлигини кўрсатади. Лекин унинг нормал ишлашини ҳар – хил ёрдамчи механизмлар ва қурилмалар таъминлайди.

Буғ генераторининг эҳтиёжлари учун энергия сарфи қуйидаги формуладан аниқланади.

$$\mathcal{E}_{\check{y},\check{z}} = \mathcal{E}_B + \mathcal{E}_{T,C} + \mathcal{E}_q + \mathcal{E}_{T,\text{ЭН}} + \mathcal{E}_M \quad (1.12)$$

бунда $\mathcal{E}_B$, $\mathcal{E}_{T,C}$, $\mathcal{E}_q$, $\mathcal{E}_{T,\text{ЭН}}$, $\mathcal{E}_{M,B}$, – тегишли равишда сиқилган ҳаво узатиш вентиляторининг, тутун сўргичнинг, чанг тайёрлаш механизмларининг, таъминлаш электр насосларининг ва масофадан бошқариш электр машиналарининг сарфлаган энергияси.

Ўз эҳтиёжи учун сарф қилинган энергия қисми қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$\Delta \eta_{\check{y},\check{z}} = \frac{\mathcal{E}_{\check{y},\check{z}}}{B Q_m^{и} \cdot \eta_{\check{z},c} \cdot \tau_{и}} \cdot 10^4 \quad (1.13)$$

бунда B - буғ генераторда ишлатилган ёқилғи сарфи, кг/с; $\eta_{\check{z},c}$ - ИЭС да электр энергияни ишлаб чиқариш Ф.И.К и, %; $\tau_{и}$ - буғ генераторнинг ишлаш вақти.

Агар η_k дан ўзига сарф қилинган энергия қисми айирилса буғ генераторнинг нетто Ф.И.К аниқланади:

$$\eta_k^{HT} = \eta_k - \Delta \eta_{\check{y},\check{z}} \quad (1.14)$$

Буғ генераторлари деб, сув буғини олишга ёки сувни иситишга мўлжалланган иссиқлик мосламаларига айтилади. Ишлаб чиқариладиган ишчи моддаси буйича буғ генератор қурилмалари сув иситиш ва буғ олиш қурилмаларига бўлинади. Буғ генератор қурилмаси берилган параметрлардаги сув буғини ҳосил қилиш учун ва сув иситиш қурилмаси эса – сув маълум ҳароратгача иситиб бериш учун ҳизмат қилади.

Вазифаси бўйича буғ генератор қурилмалари энергетик, саноат (ишлаб чиқариш) ва иситиш қурилмаларига бўлинади. Энергетик буғ генератор қурилмаларида юқори босимли (90 ат. ёки 0,9 МПа) буғ ишлаб чиқарилади ва у буғ турбиналарини юритиш учун фойдаланилади. Саноат буғ генератор қурилмалари технологик эҳтиёжларга ишлатиладиганбуғ ёки сув олиш учун мўлжалланган. Иситиш буғ генератор қурилмаларида яшаш ва саноат биноларида фақат иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун паст босимли буғ олинади ёки сув иситиб берилади.

Ёқилғини қуритиш учун газ йўлида ўрнатилган конвектив ҳаво иситгич ёрдамида 250 дан 450⁰С гача қиздирувчи бирламчи ҳаво ишлатилади. Иккиламчи ҳаво эса, ёниш жараёнини амалган ошириш учун тўғидан–тўғри ёндиргич орқали ўтхонага юборилади.

Буғ унумдорлиги Д т/с (ёки кг/с) – бир соат мобайнида буғ генераторда ҳосил бўлган буғ миқдори.

Замонавий ИЭС ларда соатига1000, 1650, 2650 ва 3950 тоннагача буғ ишлаб чиқарадиган буғ генератор агрегатлари ишлатилади.

Ўта қизиган буғ кўрсаткичлари унинг босимига ва ҳароратига боғлиқ. ИЭС да ўрнатиладиган буғ генераторлар, босими бўйича уч хилга бўлинади; булар ўрта (10 МПа гача), юқори (14 МПа) ва ўта юқори (25 МПа) босимлибуғ генераторлардир. Буғ генератори ва буғ турбинаси энергетик блокни ташкилэтади. ИЭСда қуриладиган блокларнинг қуввати 300, 500, 800 ва 1200 МВт га эга бўлади.

Буғ генератори маркасида П белгиси кўрсатилса, у тўғри оқимли, Е - табиий циркуляцияли, Пр - мажбурий циркуляцияли, Пп - тўғри оқимли оралиқ буғ ўта қиздиргичли, Еп - табиий циркуляцияли оралиқ буғ ўта қиздиргичли буғ генератор бўлади.

Масалан, П–950–255маркали буғ генератор қуйидагини билдиради: тўғри оқимли, буғ унумдорлиги соатига 950 тонна, ўта қизиган буғ босими 25 МПа (255 кгс/см²), қаттиқ ёқилғи ишлатилади.

Агар маркадан кейин М белгиси кўрсатилса - суюқ ёқилғи, Г - газ, ГМ - газ ва мазут ишлатилади.


Замонавий қудратли ИЭС да буғ турбиналари ўрнатилган. Биринчи буғ турбинаси уч фазали электр генераторни айлантириш учун Эльберфельд станциясида 1899 йилда ўрнатилган. Шу даврдан бошлаб электр станцияларида ишлатиладиган қудратли буғ турбиналари ривожланди.



1.2 – расм. Иссиқлик электр станцияларда энергияни қайта ҳосил қилиш схемаси.

Барабанли буғ генераторлари. Барабанли буғ генераторларда (1,4 – расм) темирли барабан 3 мавжуд, унинг пастки қисмида сув ва юқори қисмида буғ жойлашади. Айланиш қувурларидан 2 сув, ўтхона 7 деворларини эгаллаган экран қувурларига 1 ўтади. Экран қувурлари, буғни катта босимда ушлаб туриш учун, темирдан кичик диаметрли қилиб (ички диаметри 32 мм ва ташқи диаметри 40 мм) ясалади. Катта буғ генераторларида ҳар соатда юзлаб тонна сув буғлатилади, шунинг учун уларни қувурларининг умумий узунлиги 50 км гача етади.


Қуйидаги 1,3 – расмда иссиқликни ҳосил қилиш ва ундан электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсатилган.



1.3 – расм. Иссиқлик конденсацион электр станцияси технологик жараёнининг схемаси.

1-буғгенератори; 2-ёқилғи узатиш; 3-ҳаво узатиш; 4-таъминот суви;
 5 – буғ қувири; 6-буғ турбина; 7-тутун газлари; 8-кул ва шлакни чиқариб юбориш; 9 - электргенератор;10 - электр энергиясини истеъмолчилари;
 11-конденсатор; 12 - совутишсувининг насоси;13-конденсат насоси; 14-паст босимли иситгичлар; 15-деаэратор; 16-юқори босимли иситгичлар;
 17 - таъминлаш насоси; 18-иссиқликни иситиш ёки саноат истеъмолчилари.


Буғ генераторларини самарадорлигини ошириш учун сув барабанига берилишдан олдин экномайзерда 5, ўтхонага берилаётган ҳаво эса ҳаво қиздиргичда 6 иситилади. Барабандан чиқаётган буғ генераторларда сув ва сув – буғ қоришмаси уларнинг зичликлар ҳисобига табиий айланади. Буғни ҳарорати ва босими ортиши билан сув – буғ зичликлари фарқи камаяди ва айланиши ёмонлашади.



1.4 – расм. Барабанли буғ генераторининг ишлаш схемаси.

Тўғри оқимли буғ генераторлари. Тўғри оқими буғ генераторларида барабан йўқ. Сув ва буғ айланиши насослар орқали амалга оширилади. Сув иситгич 3 орқали, кувурларга 1 ўтади ва буғга айланади. Кейин буғқиздиргичга 2 узатилади, сўнгра турбинага берилади. Ҳаво қиздиргичда 4 ҳаво қиздирилади ва ўтхонага берилади. Тўғри оқимли буғ генераторлари сифатли сув таъминотини ростлашни тақозо этади.

Бундан ташқари бу турдаги буғ генераторларида ишлатиладиган истеъмол сувининг кимёвий тозалигига жуда юқори талаблар қўйилади. Тўғри оқимли буғ генераторлари кўп тарқалган, чунки улар барабанли қозолардан арзон. Барабанли буғ генераторларда, катта босимларда (20 МПА дан юқори) табиий сув буғининг айланиши бузилади. Буғ генераторга керакли миқдорда ёқилғи ва ҳаво, шунингдек истеъмол суви узатилади.



1.5–расм. Тўғри оқимли буғ генераторининг ишлаш схемаси.

Ёқилғини ёниши натижасида ажралиб чиққан иссиқлик ҳисобига истеъмол сувидан буғ ҳосил қилинади вабуғ махсус қувур орқали буғ турбинасига узатилади.

Буғ генераторда ёндирилган 1 кг қаттиқ ва суюқ ёқилғи ёки 1 м³ газ учун бўлган иссиқлик мувозанатини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$Q_T^H = Q_1 + Q_2 + Q_3 + Q_4 + Q_5 + Q_6 \quad (1.14)$$

бунда Q_T^H - ўтхонада 1 кг (ёки 1 м³) ёқилғидан ҳосил бўлган иссиқлик миқдори, МЖ (кг) ёки МЖ (м³), Q_1 - буғ генераторда фойдали ишлатилган иссиқлик миқдори, Q_2, Q_3, Q_4, Q_5, Q_6 - тутун билан, ёқилғининг кимёвий, механик чала ёниши туфайли, буғ генератор сирти совуши ва чиқариб ташланган шлак билан йўқотилган иссиқликлар миқдори.

Ишчи ёқилғининг тўла иссиқлик миқдорини қуйидаги ифодадан аниқлаш мумкин.

$$Q_K^H = Q_{T.K} + Q_{\epsilon} + Q_6 \quad (1.15)$$

бунда Q_K^H - ёқилғининг қуйи ёниш иссиқлиги; $Q_{T.K}$ - ўчоққа ташқаридан ҳаво билан кирган иссиқлик (ҳаво буғ генератор агрегатининг ташқарисидан қиздирилса); Q_{ϵ} - ёқилғининг физик иссиқлиги; Q_6 - буғ билан кирган иссиқлик (мазут ишлатилганда);

Буғ генераторида самарали фойдаланилган иссиқлик қуйидаги формуладан аниқланади:

$$Q_1 = \frac{D_{к.б}}{B} (h_{к.б} - h_{т.с}) + \frac{D_{и}}{B} (h_u'' - h_u' + \frac{D_x}{B}) (h_k - h_{т.с}) \quad (1.16)$$

бунда $D_{к.б}$, $D_{и}$ - бирламчи ва иккиламчи ўта қизиган буғлар сарфи, кг/с бирликда ўлчанади, D_x - барабандан ҳайдалган сув сарфи, кг/с бирликда ўлчанади, $h_{к.б}$, $h_{т.с}$, h_k - ўта қизиган буғнинг таъминлаш сувининг ва тўйиниш чизиғидаги сувнинг энтальпиялари, кЖ/кг бирликда ўлчанади, h_u'' , h_u' - оралик ўта қиздиргичдан чиққан ва унга кирган иккиламчи ўта қизиган буғ энтальпияси, кЖ/кг; B - ёндирилган ёқилғининг сарфи, кг/с ёки м³/с бирликда ўлчанади.

Буғ генераторида самарали фойдаланилган иссиқлик миқдорини қуйидаги формуладан ҳам аниқласа бўлади.

$$Q_1 = Q_{ў} + Q_k + Q_{и} + Q_{эк} \quad (1.17)$$

бунда $Q_{ў}$ - ўчоқ юзалари қабул қилган иссиқлик миқдори, кЖ/кг; Q_k , $Q_{и}$, $Q_{эк}$ - асосий, оралик буғ ўта қиздиргичлари ва экономайзер қабул қилган иссиқлик миқдори, кЖ/кг.

Электр станциялари иш режимларини тўғри ташкил этилиши ва электр энергияси ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадиган барча ускуна ва қурилмалар замонавий фан – техника ютуқлари асосида модернизациялаш, янгिलाш ва автоматлаштириш ҳамда технологик жараёнларнинг оптималлаштириш эвазидан талаб этилган ишлаш шароитларини яратилиши натижасида станция қурилмаларини юқори самарада ишлаши таъминланиши билан бир қаторда электр энергиясининг сифат даражаси кўтарилиб, уни ишлаб чиқаришдаги харажатларининг кескин камайиб боришига эришилади.

1. ИЭСда барабанли ва тўғри оқимли буғ генераторлари қўлланилади. ИЭСларда ишлатиладиган барабанли буғ генераторлари критик параметрдан паст параметрли буғ олиш учун фойдаланилади.

Критик параметрдан юқори параметрли буғ олиш учун тўғри оқимли буғ генераторларидан фойдаланилади.

2. Тўғри оқими буғ генераторларида барабан йўқ. Сув ва буғ айланиши насослар орқали амалга оширилади. Бундан ташқари бу турдаги буғ буғ генераторларида ишлатиладиган истеъмол сувининг кимёвий тозалигига жуда юқори талаблар қўйилади. Тўғри оқимли буғ генераторлари кўп тарқалган, чунки улар барабанли буғ генераторларидан арзон. Барабанли буғ генераторларда, катта босимларда (20 МПА дан юқори) табиий сув буғининг айланиши бузилади. Буғ генераторга керакли миқдорда ёқилғи ва ҳаво, шунингдек истеъмол суви узатилади.

3. Таллимаржон ИЭС асосий буғ генератори (ТГП – 805с/з) тайёрланган завод (Таганьрок буғ генератор заводи) газни классик усулга ёқишга мўлжалланган аммо Таллимаржон ИЭСдаги конструктив ўзгартиришларга кўра ёндиргичлардан юқорида иссиқ ҳавони жўнатиш учун шлица қўйилган.

2-БОБ. ТАЛЛИМАРЖОН ИЭСДА ЎРНАТИЛГАН ТГП – 805 С/З БУҒ ҚОЗОНИ ЎТХОНАСИНИ ВА ЁНДИРГИЧЛАРИНИ ЁҚИШГА ТАЙЁРЛАШ ВА МОСЛАШ.

2.1. Таллимаржон ИЭСси энергетик қурилмалари характеристикалари.

Таллимаржон ИЭС қурилиш майдони Қашқадарё вилояти Нишон тумани марказидан 18 км жанубда, Таллимаржон сув омборидан 4 км шимолда, Қарши магистрал канали ўнг қирғоғида жойлашган.

Район иқлими тез ўзгарувчан бўлиб, йиллик ўртача ҳарорат $+15,8^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади. Ёнг иссиқ ой июлда ўртача ҳарорат $+30,1^{\circ}\text{C}$ бўлиб, ёнг абсолют юқори ҳарорат $+49^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади

Ёнг совиқ ой бўлган январ ўртача ҳарорати $+1,1^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади.

Ёнг паст ҳарорат -28°C ни ташкил этади

Таллимаржон ИЭС сув таъминот манбаси бўлиб, қарши магистрал канали хизмат қилади. У амударё дарёсидан сув олади.

Худуднинг ҳисобий сейсмик кўрсаткичи – 8 баллни ташкил этади.

Ёқилғи манбаи бўлиб, Шўртангаз УШКда қазиб олинadиган табиий газ ҳисобланади. Табиий газ етказиб бериш масофаси 30 км. Станцияга газни иккита мустақил газ қузури орқали етказиб берилиб, ҳар бир газ қузурига газ тақдимот қурилмаси ва газ тозалаш қурилмалари ўрнатилган. Газ ростлаш станциясидан газ 2та газ қузури орқали 12 кг/см^2 босим билан 4та газ тақсимот пунктига келади. Ҳар бир ГТП (газ тақсимлаш пункти) да $250\text{ }10^3\text{ м}^3/\text{соат}$ қувватга эга 2та ростловчи қисм бўлиб биттаси доимо захирада туради.

Бош корпус қуйидаги қисмлардан ташкил топган:

- машиналар зали – 54м;
- деаэратор этажеркаси – 12м;
- буғ генератор бўлими – 45м;

- регенератив ҳаво қиздиргич (РХҚ) қурилмаси – 32м;

- бинонинг максимал баландлиги – 67м;

Станцияда 270м баландликдаги 4та стволга эга тутун қувири ўрнатилган бўлиб, диаметри 20 м, тутун йўллари кўндаланг кесими - $6,0 \times 6,0$ м.

Мойлаш хўжалиги баклари ва мой қурилмаси билан бирга 80 м^3 .

Сув таъминоти совутиш системаси қуйидаги объектларидан иборат:

блок насос станцияси; сачратувчи ҳавза; сачратувчи ускуналар насос станцияси; сув қуюлувчи канал; элтувчи ва қайтувчи каналлар; қувурлари яни трансформаторлар очик қурилмаси; очик тақсимот қурилмаси (ОРУ-500, ОРУ – 220 кВ); инженерлар корпуси қўшув буғ генератори; дистиллят тозалаш қурилмаси ва бошқа иншоотлар мавжуд;

ИЭС нинг асосий қурилмаси буғ турбинаси ҳисобланади:

маркаси – К -800 – 240 – 5; тайёрланган заводи – ЛМЗ; қуввати – 800 мВa; айланишлар сони – 3000 айлана/минут; ўткир буғ босими – 240 кгс/см²; ўткир буғ ҳарорати – 540 °С; конденсатордаги босим – 0,035 кгс/см²; саралашлар сони – 8 та; номинал буғ сарфи – 2550 т/соат; конденсатордан ўтувчи совутивчи сув сарфи – 73000 м³/соат; таъминот суви ҳарорати – 2730 °С; юқори босимли цилиндр (ЮБЦ) – 12 та; ўрта босимли цилиндр (ЎБЦ) – 18 та; паст босимли цилиндр (ПБЦ) – 1 да – 10 та; ПБЦ – 2 да – 10 та; ПБЦ-3 да – 10 та; совутиш суви ҳарорати – 15/16,4 °С (дарё суви); қуввати - 17150/16980 кВт; айланиш частотаси – 4665/4600; Тўхтатувчи клапндан кирувчи буғ босимига мос сарфи - 74,3/74,4Т/соат; буғ ҳарорати – 432/435 °С; Буғ босими – 14,74/15,48; конденсатордаги буғ босими – 0,07/0,082 кгс/см²; сони – 2т

Станциянинг иккинчи асосий қурилмаси буғ буғ генератори ҳисобланади:

маркаси – Пп – 2650 – 25 – 545/542 Г; тайёрловчи завод – Таганьрок буғ генератор заводи; буғ ишлаб чиқариши – 2650 т/с; оралик буғ қиздириш қуввати – 2180 т/с; ўткир буғ ҳарорати – 545 °С; оралик қиздириш ҳарорати

– 542⁰С; оралик қиздиришга кетувчи буғ босими – 35,5 кгс/с; оралик қиздиришдан сўнг буғ босими – 38,6 кгс/см²; буғ генератор фойдали иш коэффиценти – 94,657 %; буғ генератор бир қанча ёрдамчи жихоз, қиздиргич, вентиляторларга эга.

1.1 – жадвал

Буғ генератор қиздириш юзалари.

Юзалар номи	Қиздириш юзаси, м ²	Қувурлар диаметри, мм	Материал
КПП(конветтив буғ қиздиргич)– 1	2170	φ32×5	12×1 МФ
КПП – 2	1659	φ36×6	12×1 МФ
КПП – пурковчи вентилятор – 3	1659	φ36×6	12×1 МФ
КПП – 4	2012	φ36×6	1×18 Н 12 т
КПП – НД – 3	2012	φ36×6	1×18 Н 12 т
КПП – НД – 2	3273	φ60×5	1×18 Н 12 т
КПП – 1 чиқиш қисми	1191	φ50×4	12×1 МФ
КПП – НД – 1 кириш қисми	3908	φ50×4	12×1 МФ
экономайзер	11500	φ32×5	Ст 20
РХҚ иссиқ юзаси	155712	8,48	Ст 20
РХҚ совуқ юзаси	46896	4,36	Ст 20

№ 1 блок қўшув комплексига қуйидаги бинолар мажмуаси мавжуд.

Бош корпус:

№1 блокни ишга топширилгунча 1÷15 ўқлар орасида қуйидаги қурилмалар 100% тайёргарликдаги монтажи қилинади.

1) Бош корпусда – К – 800 – 240 – 5 типдаги турбина қурилмаси ёрдамчи жихозлари билан:

- ТВВ – 800 – 2 типдаги генератор ўзининг барча ёрдамчи жихозлари билан:

2) Тутун сўриш қурилмаси.

- 2та ДОД - 43 -500 ГМ типдаги тутун сўргич;
- пурковчи вентиляторн – 36 – 23 типдаги 2та сўрувчи вентилятор;
- ГД – 26 – 21 типдаги 2 рециркуляция газлари тутун сўргичи;
- РХҚ – СХП -32 типдаги 2та регенератив ҳаво қиздиргичи;

3) Тутун қувури:

- 270 м баландликдаги 1 та тутун қувури ўзининг газ йўллари билан.

4) газ таъминоти.

- 2 та газ тақсимлаш пункти;
- 2 та газ тақсимлаш станцияси;
- иситиш қўшув буғ генератори (ПОК);
- ГТП дан бош корпусдаги, ПОК гача бўлган газ қувурлари;

5) Кимёвий сув тозалаш.

№ 1 блокни ишга қўшиш учун кимёвий сув тозалаш бўйича қуйидаги қурилмалар кўриб ишга туширилади:

- 530 т/соат қувватга эга бўлган буғлатгичли дистиллят тозалаш қурилмаси;

- сув йўқотишларни тўлдириш учун 232 т/соат қувватли сув забори;

- блокни қўшув ишларида сув тузсизлантириш қурилмаси -200 м³/соат;

- мойланган чиқинди сувларни тозалаш қурилмаси, қуввати - 50 т/соат;

- блок тузсизлантирувчи қурилмаси, қуввати - 2600 т/соат;
- гидрозин - аммиак қурилмаси;
- реагентлар омбори;

6) Техник сув таъминоти қурилмаси.

Техник сув таъминоти қурилмалари қуйидагилардан ташкил топган:

- блок насос станцияси;

- тристанцион қисми босимли ва қайтувчи қувурлари;
- аварияли иссиқ сувни аванкамерага ташловчи қувурлар;
- айланувчи тозаловчи сеткалар;
- очик элтувчи каналлар;
- сачратувчи қурилмалар насос станцияси;
- сачратувчи қурилмалар ҳавзаси;
- қўшимча сувлар станцияси;
- техник таъминот сувлар;

7) Электр қуввати ОТҚга узатиш (ОРУ).

- ТДЦ – 1 000 000/220 – ХП1 – 1 та типли блок трансформаторлари;
- шахсий эҳтиёжлар учун ТРДНС – 40 000/35 ХП1 типдаги трансформатор – 1 та;
- захира ва умумстанция трансформаторлари;
- 24 КВ ли – 100 м ва 6 кВ ли – 300 мм трансформаторлар ток симлари;
- қўшиб ажратгичлар – 22 та;
- кабеллар эстакадаси;
- қўшимча хизматлар бинолари;
- муҳандислар корпуси;
- иситувчи қўшув буғ генератори (ПОК);
- компрессор станцияси;
- азот кислород станцияси;
- мой қурилмаи ва мой омборига эга мой хўжалиги;
- ёнғинга қарши ишловчи депо;

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида электр энергиясига бўлган талаб ошиб, энергетиканинг саноат ва инсон ҳаётидаги ўрни муҳимлашмоқда. Электр энергияси электр станцияларида ишлаб чиқарилиб, бу жуда қийин, мураккаб жараёндир.

Электр станциялари АЭС, ИЭС, ГЭС, ШЭС, ГТЭС (геотермал ЭС) каби турларга бўлинади. Ўзбекистонда АЭС йўқ бўлиб, АЭС энг хавфли, кўп қувватли ва энг арзон электр станцияси ҳисобланади.

Шамол ва қуёш электр станциялари кам қувватли станциялардир. ГЭСлар эса катта сув ресурси талаб қилади.

Бизда ИЭСлар кенг йўлга қўйилган бўлиб, улар газда, кўмирда ва мазутда ишлайди. Булар Таллимаржон ИЭС (1 блок 800 МВт), Сирдарё ИЭС (10 блок – 300 МВт), Навоий ИЭС (130 мВт), Тошкент ИЭС (12 блок – 160 МВт), Янги – Ангрен ИЭС (7 блок – 300 МВт) Ангрен ИЭС, Тахматош ИЭСларидир.

ИЭСларда асосий иш жараёни сувни газ билан қайнатиб, юқори босимли ва ҳароратли буғни турбинага парракларига йўналтирилади. Парраклар ёрдамида турбина вали айланиб (3000 айл/минут) генератор роторини айлантиради. Генераторда электр энергияси пайдо бўлиб, трансформаторларга узатилади. Трансформаторларда ток параметрлари ростланиб, тақсимловчи станцияларга узатилади. У ердан истеъмолчиларга узатилади.

ИЭСларда ички иш юритиш структураси электр энергиясини тежамли, муаммосиз, арзон, йўқотишларсиз, ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, ўзаро боғлиқ ҳолда ишлайди.

ИЭС нинг асосий қурилмалари:

буғ генератор – турбинацеҳи электр энергияси ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ барча жараёнларни қамраб олиб, иссиқлик- механик қурилмаларини ишлашини назорат қилади;

электр цеҳи – ишлаб чиқариш жараёнидаги барча электр токини ишлатиш билан боғлиқ жараёнларни, ишлаб чиқарилган электр энергиясини истеъмолчиларга узатиш, станциянинг ёритиш тизимини назорат қилади;

автоматика цеҳи – барча ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлашган ҳолда йўлга қўйиш, жараёнларни бошқаришни енгиллаштириш, барча ўлчов жиҳозларини тўғри ишлашини назорат қилиш;

2.2. Таллимаржон ИЭС буғ генераторининг газ ҳаво трактини тавсифи ва ҳисоби.

Пп – 2650 – 25 – 545/542 Г (модель ТГП – 805с/з), газ зичламалибуғ генератор П – шаклида бўлиб, ёпиқ тайёрланган мувозанатлашган тортишиш кучи билан таъминланган, юқори сейсмик районга қуриш учун мўлжалланган ва блокда К – 800 – 240 – 5 ЛМЗ турбинаси билан ўрнатилади (2,1 – 2,2 – расм).

Асосий ва авариявий ёқилғиси – Шўртан кони олтингугуртдан тозаланган табиий газ. Буғ генераторни синаб кўрилганда тутун газ таркибида SO_2 1 – 2 пррт (1 м^3 да 1 – 2 см^3) ошмади, эҳтиёт шарт SO_2 ни анализ қилиш мақсадида тутун газ линияларига замонавий газоанализаторлар ўрнатилди.

Буғ генераторда блок иш режимини бошқариш учун дастурланган техник комплекс(ишлаб чиқариш техник комплекси) билан таъминланган.


Буғ генератор агрегати ўтхона камераси ва пастга тушувчи газ (тутун) чиқиш йўлини туташтирувчи горизантал газ чиқиш йўлидан шунингдек айланувчи ҳаво қиздиргич (РХҚ тури СХ_п32) дан ташкил топган топган.

Горизантал газ чиқиш йўлида юқори босимли конвектив қиздиргич, I, II, III, IV поғонадаги юқори босимлибуғ қиздиргич ва паст босимли буғ қиздиргични III – поғонасида жойлаштирилган.


Ўтхона камераси, конвектив шахта ва горизантал газ чиқиш йўли экранлари бир – бирига пайвандланган қуйма 32×5×46 мм (сталь12×1МФ) қувурдан ташкил топган.

Ўтхона камерасининг баландлиги 36м, СНГда бунга ўхшаш буғ генераторлар дан 10 м паст. Бу ҳолат ёниш аланга узунлигини қисқартириш натижасида буғ генератортутун чиқиш йўли режим оралиғида ортиқча ҳавони (1,01 – 1,02) паст чегарасигача туширишга имконият беради. Ўтхонанинг режа бўйича ўлчовлари;олд томонидан

узунлиги 20м, ён томонидан узунлиги 10 м. Ўтхона ва орқа томонида 3 та
ярус (кават) жойлашган ОТМ(баландлиги) ↓ 3600, 6600 ва 9600 мм.



2.1 – расм. Буғ генератори бўйлама қирқими.



2.2 – расм. Буг генератори кўндаланг қўрқими.


Ярусларда 36 та ёндиргич ҳавони жўнатиш учун олд ва орқа томонига умумий қороба билан таъминланган.

Ёндиргичнинг асосий лойихавий техник ва конструктив маълумотлари (2,3 – расм) келтирилган .

- номинал иссиқлик қуввати, $\frac{Г_{қал}}{сoат}$ 49(56,98 МВт);
- ёндиргичдан олдинда газ номинал босми, Па 5000;
- мувозанатлашган тортиш кучи ни ҳисобга олган ҳолда ёндиргичдан олдинда ҳавонинг номинал босми, Па..... 2500 дан ошмаслиги керак;
- ростлаш ишчи коэффиценти.....3,3 дан камбўлмаслиги керак;
- газ соплонинг кесим йиғиндиси..... $0,0103 \pm 3 \% м^2$;
- ҳаво бўйича ёндиргич кесм йиғиндиси..... $0,5м^2$;
- газ рециркуляция канал кесими..... $0,32м^2$;

Ҳавони ҳар бир каналдан кураклиқурилма орқали берилади. Бу айлантирувчи куракчалар сони 18 та бўлиб 60° бурчак остида қимирламайдиган ҳолда ўрнатилган. Унинг ўртасида 24 та лапатка бўлиб , улар ҳам 60° остида қимирламайдиган ҳолда қилиб ўрнатилган. Ташқи ҳалқадан рециркуляция тутун газ (ДРГ) орқали берилади ва шунингдек $N \geq 550$ МВт иссиқ ҳаво бўлимида аралаштирилади.

Ёндиргичга газ диаметри 133×6 см (сталь 20) ва 76×6 мм (сталь 20) бўлган иккита ҳалқага коллектор орқали узатилади. Биринчи ҳалқадан 5та $32 \times 3,5$ мм (сталь 20) трубадан чиқиб Ўтхонага узатилади. Трубанинг учи 60° бурчак остида бурилган ҳолда урнатилади. Бу биринчи ҳалқа орқали расЎтхонага газ сарфи берилади. Иккинчи ҳалқа орқали 10 та $42 \times 4,5$ см (сталь 20) диаметрли труба орқали асосий сарф берилади. Учи 45° бурчак остида бурилган труба уч қисми яъни 300мм, куйиб кетишини олдини олиш учун $12 \times 18Н12Т$ пўлатдан фойдаланилган. Буларнинг диаметри 42×5 мм ва 32×4 мм га тенг 42×5 мм ва 32×4 мм.



2.3 – расм. Ёндиргичлар.

Ўтхонада азот оксидини ҳосил бўлишини камайтириш мақсадида Тагоньрок буғ генератор заводи лойиҳаси бўйича учинчи ярус юқорисида 18 та сопло ўрнатилган. Бу сопллар орқали иссиқ ҳаво ва тутун газ аралашмаси узатилади.

Сопло тўғри бурчакли кесмида $850 \times 425 \text{ мм}$ бўлиб горизонтал бўйича Ўтхонага 20° бурчак остида ўрнатилган. Метал маркаси пўлат $20 \times 23 \text{ Н13}$.

2006йил ремонт вақтида ОАО “ORGRES” тавсияси билан сопло ёпиб ташланди. Ҳозирги кунда сопло самара бермаганлиги учун ундан фойдаланилмайди.

Буғ генератори ҳаво трактига ҳавони иккита Пурковчи вентилятор— $36 \times 2 \text{ Э}$ турдаги икки тезликли пурковчи вентилятор орқали ҳайдалади. Ҳар бир вениляторни иш унумдорлиги 10% захира билан – $434 \frac{\text{м}^3}{\text{секунд}}$ ($1562 \times 10^3 \frac{\text{м}^3}{\text{секунд}}$), босим зонаси 20% (сураётган ҳаво температураси 40° бўлганда) 6700 Па ($670 \frac{\text{кг с}}{\text{секунд}} \frac{\text{кг с}}{\text{м}^2}$). Вентелятор максимал айланишлар сони $745 \frac{\text{айл}}{\text{мин}}$.

Берилаётган ҳавони РХҚ (регенератив ҳаво қиздиргич) орқали қиздириб буғ генераторнинг ёндиргичларига узатилади.

Ўтхонага ҳаво узатиш ва тутун газларни сўриб олиш икки нитка орқали амалга оширилади. Битта ниткада пурковчи вентилятор, тутун сўргич (тутун сўргич тури ДОД – 43 – 500 ГМ) РХҚ (Регнератив ҳаво қиздиргич тури $\text{СХ}_n - 32$) ва ДРГ тутун газларни қайта ўтхонага берувчи тутун сўргич тури ГД – 26×2 .

Ёқилғи узатиш схемасининг унумдорлиги лойиҳа ҳисоби бўйича $250000 \frac{\text{м}^3}{\text{соат}}$ ни ташкил этади (температураси 20°C ва босими 760 мм.сим.уст бўлганда). Бу схемага қуйидаги асосий узеллар киради:

2.4 – ТГП – 805 с/з буғ генератори газ ҳаво тракти.

- блок ГРПСи, яъни газни механик аралашмалардан тозалашучун фильтрлар сарфини назорат қилиш, босимни тушириш ва буғ генераторга берилаётган газни ростлаш;

ГРПдан ТГП – 805с/збуғ генераторга 1020×10 мм диаметрли ташқи газопровод (газ қузури) ;


- буғ генератор яқинида арматура (задвишка) билан таъминланган, ЗЗУ (ёқиш ҳимоя қурилмаси) схемаси;

лойиҳа бўйича ГРП га учта фильтр ўрнатилган типи ФГМ – 300. Ҳар бир фильтрнинг ўтказиш қобилияти $12 \text{ МПа} \left(12 \frac{\text{кгс}}{\text{см}^2} \right)$ босимда $100000 \frac{\text{м}^3}{\text{соат}}$ ни ташкил этади.

Буғ генераторини авариявий тўхтатилишига тўғри келаётган вақтларда ишончли БХҚ (беркитиш ҳимоя клапни) билан таъминланган. ГРП проект бўйича иккита босимни тушириш линияси билан таъминланган. Проект бўйича биринчи линия – ишчи, иккинчи линиязаҳира бўлиши керак.

Буғ генераторининг сув буғ тракти юқори критик босимда ишлайди. Сув буғ тракти иккита оқимли. Бу патоклар икки ниткали бўлиб, улар бир бирига симметрик, ЮБКБҚ – юқори босимли конвектив буғ қиздиргич ваПБКБҚ–паст босимли конвектив буғ қиздиргичларда ҳароратни стабиллаш мақсадида буғ совутгичлар билан таъминланган.

Қайта қиздириш тракти (ПБКБҚ) тўрт оқимли симметрик жойлашган. Буғ юқори босимли цилиндрда иш бажариб ПБКБҚ – I, II, III поғоналар орқали паст босимли цилиндрга жўнатилади.ПБКБҚтемператураси тутун газ рециркуляцияси орқали ва буғ совутиш қурилмаси билан амалга оширилади. Буғ генераторда газ классик усулда ёқилганда Тагоньрок буғ генератор заводи хисобий кўрсаткичлари 2,1 – жадвалда кўрсатилган.




2.5 – расм. Блокнинг ГРП схемаси.

2.1 - жадвал

Буғ генераторининг асосий ҳисоблаш параметрлари.

т/р	Катталиклар номланиши	Белги- лани- ши	Бир- лиги	Буғ унумдорлиги			
				30	50	70	100
1	2	3	4	5			
2	Буғ генератордаги газсарфи $Q^p_{\text{г}} = 8673 \text{ ккал/м}^3$	$B_{\text{г}}$	$\text{м}^3/\text{соат}$	67651	50	70	100
3	Қизиган буғ сарфи $F_{\text{пе}}$ т/соат	$F_{\text{пе}}$	т/соат	800	107897	14691 4	202210
4	Қизиган буғ босми $P_{\text{пе}}$ кг/см^2	$P_{\text{пе}}$	кг/см^2	242	1330	1850	2650
5	Қизиган буғ ҳарорати $^{\circ}\text{C}$		$^{\circ}\text{C}$	545	244,2	247,5	255
6	Таъминот сув сарфи	$F_{\text{пв}}$	т/соат	746	545	545	545
7	Бринчи пуркаш таракидаги сув сарфи СКД т/соат		т/соат	39	1258,5	1725,	2470
8	Иккинчи пуркаш таракидаги сув сарфи СКД т/соат		т/соат	15	66,5	90,5	130
9	Таъминот сув температураси	$t_{\text{пв}}$	$^{\circ}\text{C}$	200	25	34	50
10	Биринчи пуркашдан олдинги буғ температураси	$t'_{\text{впр-I}}$	$^{\circ}\text{C}$	396	230	250	273
11	Иккинчи пуркашдан кейинги буғ температураси	$t''_{\text{впр-I}}$	$^{\circ}\text{C}$	390	396	399	409
12	Иккинчи пуркашдан олдинги буғ температураси	$t'_{\text{впр-II}}$	$^{\circ}\text{C}$	529	392	395	405
13	Иккинчи пуркашдан чиқишдаги буғ температураси	$t''_{\text{впр-I}}$	$^{\circ}\text{C}$	515	523	519	520
14	Оралик қиздиргичдаги иссиқ буғ босми кг/см^2	$P_{\text{гпп}}$	кг/см^2	11	511	208	209
15	Оралик қиздиргичдаги совиган буғ ҳарорати	$t_{\text{хпп}}$	$^{\circ}\text{C}$	255	20,54	28,45	35,5

1	2	3	4	5			
16	Ҳимоя пуркашдан буғ температураси	$t''_{\text{заш.вп}}$	°C	255	268	276	291
17	Авариявий пуркашга киришдаги буғ температураси	$t'_{\text{ав.впр}}$	°C	449	268	276	282
18	Авариявий пуркашга чиқишдаги буғ температураси	$t'_{\text{ав.впр}}$	°C	449	458	466	466
19	Тутун газларнинг рециркуляция улуши			46,3	458	466	462
20	Оралик қиздиргичдаги совиган буғ ҳарорати	$t_{\text{гпп}}$	°C	515	40,5	34,1	20
21	Режим кесимидаги ортirma ҳаво коэффиценти	$\alpha_{\text{р.с}}$		1,105	531	542	542
22	Чиқиб кетаётган газлардаги ортirma ҳаво коэффиценти	$\alpha_{\text{р.с}}$		1,332	1,05	1,05	1,05
23	Совуқ ҳаво ҳарорати (колорофергача)	$t_{\text{хв}}$	°C	44	1,192	1,17	1,15
24	РХҚ дан чиқишдаги совуқ ҳаво ҳарорати (колороферда)	$t'_{\text{ав.впр}}$	°C	85	44	44	44
25	Иссиқ ҳаво ҳарорати	$t'_{\text{гв}}$	°C	245	68	65	55
26	Ўтхонадан чиқишдаги тутунгаз ҳарорати (КПП– I дан олдин)		°C	1020	273	294	314
27	КПП – IIдан олдинги газ ҳарорати		°C	879	1162	1260	1396



2.6 – расм. Блокнинг принципиал схемаси.

**Ёқилғи ёниш жараёнини анаънавий усулга ўтаказишдаги синаш,
ўлчаш ва қурилмаларни синашда уларнинг иш режими.**

Буғ генератори 2011 йил июльдан 2012 йил апрелгача 775 - 260 МВт диапазонда эксперимент ўтказилди. Бу экспериментни ўтказиш вақтида давомийлиги анализ вазифасини қийинлаштиради. Бу олинган анализлар кейинги ишларни бажаришда ас қотади. Ёқилғини классик усулда ёқиш тажрибаси ёндиргичда иссиқ ҳавони тўлиқ бериш натижасида буғ генераторни ишлаб чиқарган завод иссиқлиги ҳисобига тўғри келади.

Блокда штатли ўлчаш бўлимида иш бажариш учун ишлаб чиқариш техник комплекси билан таъминланган. Буғ генераторнинг кўрсаткичларига жавобгарлик юқори бўлганлиги сабабли, назорат қилиш учун қўшимча юқори аниқликда ишловчи асбоблар вужудга келади.

Бу асбоблар газо анализаторлардир, яъни Россияда ишлаб чиқарилган ДАГ – 500 газоанализатор ва Германияда ишлаб чиқарилган Testo – 335 Simens фирмаси газоанализатори. Бу газоанализаторлар тутун газ таркибидаги O_2 , CO , NO , NO_2 , SO_2 , миқдорини анқлайди. Газоанализатор кўрсаткичлари натижасида буғ генераторни техник экономик кўрсаткичлари нормаллашади.

Ўзбекистон нефт ва газ инспекция усуллари талабларига мувофиқ блок иш режимини олиб бориш жараёнида буғ генераторнинг иш режими стабиллашади. БШБ (блок шит бошқаруви) мониторида буғ генераторнинг асосийиш кўрсаткичи, тажриба ошиши кўзланилиб ёзиб борилиши, буғ генераторни стабил ишлашидан далолат беради. Экспериментал тажриба ўтказилгандан сўнг. Буғ генератори ишлаётганда назорат қилинадиган параметрлар А – 4 форматга нусха кўчирилди ва блок ишлаб чиқариш техник комплекси маълумот архивига жамлаб қўйилди.

